



>>> Президент



>>> Таҳлил

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА МИНТАҚАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

ПРЕЗИДЕНТ МУСОҲАБАСИДАГИ ҒОЯЛАР ВА МИНТАҚАДАГИ АМАЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Президент Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг «Turkistan» газетасига берган мусохабаси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини янада ойдинлаштирди. Унда давлат мафкурасининг асосий устувор йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсад ва вазифалари аниқ ҳамда тизимли тарзда баён этилган.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугунги тарихий босқичда мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омили – ислохотларнинг фақат марказда эмас, балки минтақаларда ҳам амалий натижа бериши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Туркистон вилоятда олиб борилаётган ишлар Президент белгилаб берган стратегик йўналишларнинг аниқ қиёфаси сифатида намоён бўлмоқда.



Айниқса, ёшлар сиёсати, жамоатчилик фаоллигини ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш, қонунийлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш каби соҳаларда бир қатор муҳим ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Минтақаларда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар, таълим ва касбга йўналтириш ишлари мамлакатнинг келгуси салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президент мусохабасида иқтисодий янгиланиш ва самарали бошқарув масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада давлат сиёсати солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва сармоя муҳитини яхшилаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишни кўзда тутди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу ислохотлар иқтисодиётда очкилик ва шаффофликни таъминлаб, минтақаларнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, давлат мафкурасининг муҳим жиҳати – жамиятда бирдамлик, ватанпарварлик ва масъулият туйғусини кучайтиришдир. Бу йўналишда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги учрашувлар ва фуқаролик фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги иқтисодий алоқалар кучайган даврда Марказий Осиёнинг янги салоҳиятини бозор қонунлари асосида ривожлантириш, шу билан бирга минтақавий сайёҳликни фаоллаштириш асосий йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада, Буюк Туроннинг қадимий ва жаҳонга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива ва Хоразм обидалари қаторида, Буюк Даштдаги шаҳарларда маданий ҳаёт ва уйғунликни тарғиб қилиш ҳам муҳимдир.

Орол остидаги «Қирқ Қалъа» афсонаси, Сир бўйи шаҳарлари, Ўтор ва Саврон, Сиганак, Тароз ва Болоғун, Қоратов ва Олатов, Едил ва Есилнинг тўқайларидаги шаҳар-қалъалар асрларни туташтирган моддий маданиятнинг ёрқин саҳифаларидир.

Шу ўринда Туркистон – «икки дунё эшиги» бўлиб, Турон маданиятининг устуни ва муқаддас макон сифатида аҳамиятлидир. Қўхна Ясси ҳиқоятларида ҳам, Яссавий ҳикматларида ҳам инсоният тамаддуни намоён бўлади. Туркистон – покланиш тарозиси. Ушбу сифатлар меъморчилик қурилишида мақбаранинг ҳар бир гишти каби муқаддас ҳисобланади.

Шундай қилиб, тарихий Туркистон, бу ердаги қозоқ хонлари ва бий-ботирлари, энг намунали инсонлар қабристони (пантеони) Марказий Осиёнинг маданий мерос ва маънавий бойлигини сайёҳлик орқали ҳам, очилмаган маънавият саҳифалари орқали ҳам дунёга танитади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентнинг «Turkistan» газетасидаги мусохабасида белгиланган ғоя ва ташаббуслар Туркистон вилоятда амалга оширилаётган вазифалар билан уйғун ҳолда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар халқ манфаатига хизмат қилаётганлигининг ёрқин далилидир.

А. АБДУФАТТОҲ.

НАЗОРАТ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ПРЕЗИДЕНТ МОЛИЯВИЙ МОНИТОРИНГ АГЕНТЛИГИДА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ

Президент соҳадаги мутахассисларни касбий байрами билан табриклаб, беш йил муқаддам, мамлакатда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий даврда ташкил этилган Молиявий мониторинг агентлиги ўз зиммасига юклатилган масъулият ва вазифаларни шараф билан бажараётганига эътибор қаратди.

– Умуман олганда, қисқа муддат ичида залворли ишлар амалга оширилди, анча тажриба тўпланди. Бугунги кунда Молиявий мониторинг агентлиги мамлакатимизнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлик

тизимиди муҳим ўрин тутувчи мустақил тузилмага айланди. Буни шижоатли меҳнат ва фидойи хизмат натижаси дейиш мумкин. Агентлик ходимларига миннатдорчилик билдираман. Олдимизда юксак мақсадлар ва кенг қўламли ишлар турибди. Айниқса, ҳозир жадал ривожланаётган рақамли технология ва сунъий идрок даврида ишга тубдан янги нуқтаи назар билан ёндашиш вазифаси турибди. Бу масалани «Turkistan» газетасига берган суҳбатимда ҳам, Миллий қурултой йиғилишида ҳам кўтардим, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари ҳуқуқни му-

хофаза қилувчи идоралар, жумладан, Молиявий мониторинг агентлиги технология жиҳатдан ортда қолса, бу ҳолат миллий хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкинлигини таъкидлади.

– Рақамли ечимларни ва сунъий идрок тизимини Агентлик фаолиятига атрофлича жорий этиш – долзарб ва муҳим вазифа. Усиз иш самарали бўлмаслиги аниқ. Ҳозир куч тузилмалари ва жиноят олами ўртасидаги кураш технология жиҳатдан мутлақо бошқача тус олди. Жиноятчилар сунъий идрокни фаол қўллаб бошлашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, Молиявий

мониторинг агентлиги технология жиҳатдан орқада қолса, бу ҳолат миллий хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкин. Замон талабига мос равишда илғор бўлмоқ учун, энг аввало, тўғри қарор қабул қилиб, самарали ҳаракат қилишимиз керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар пухта, фаол ишлаб, илғор рақамли ечимлар орқали мамлакатдаги ўзгаришларни тез ва сифатли амалга оширишга ёрдам бериши мумкин. Бу кенг қўламли иқтисодий янгиланиш йўлига юз тутган Қозоғистон учун жуда муҳим қадам бўлади, – деди Давлат раҳбари.

Akorda.kz.

ХАЛҚ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Kazinform. Конституциявий ислохотлар бўйича комиссиянинг (Конституциявий комиссия) навбатдаги йиғилишида Мажлис депутати Сергей Пономарев Қозоғистон халқи Ассамблеяси ва Миллий қурултойнинг ўрнини эгаллайдиган Халқ кенгаши таркиби ва унинг ваколатлари ҳақида маълумот берди.

70-модданинг тақлиф этилган нусхасига кўра, Халқ кенгаши Қозоғистон халқи манфаатларини ифода этувчи олий маслаҳат органи бўлади.

Пономарев таъкидлаганидек, Халқ кенгашини тузиш, унинг ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш алоҳида конституциявий

қонун билан белгиланади.

Депутатнинг сўзларига кўра, Халқ кенгаши таркибига Қозоғистон фуқаролари киради. Хусусан, 42 нафардан аъзо мамлакатдаги этнослар вакиллари ва жамоат бирлашмаларидан, шунингдек, ҳудудлардаги маслаҳатлардан сайланади.



Халқ кенгашининг ваколатлари 71-моддада белгиланган. Улар:

- давлат ички сиёсатининг асосий йўналишлари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;
- жамоат тотувлиги, миллий бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– Қозоғистон Республикасининг асосий тамойиллари ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш;

– қонун лойиҳаларини Қурултойга тавсия этиш;

– республика референдумини ўтказиш ташаббусини илгари суриш.

Асия Асилхан – Қозоғистон чемпиони

Туркистон шаҳрида 6-18 ёш тоифасида ўтказилган мамлакат чемпионатида туркистонлик Асия Асилхан классик шахмат бўйича Қозоғистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Юртимизнинг энг кучли шахматчилари орасида ғолиб бўлган иқтидорли қиз халқаро мусобақаларга йўлланма олди. Бу вилоят

мураббийларининг ҳамкорликдаги меҳнати натижасидир. Классик баҳсда ғолиб чиққан юртдошимиз энди рапид ва блиц мусобақа-

ларида ҳам иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Шу кунларда Туркистонда ўсмирлар ўртасида Қозоғистон чемпионати ўтмоқда. Унда мингдан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Қозоғистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси Ерали Тўғжанов вилоятимизга хизмат сафари билан ташриф буюрди. Сафар давомида у минтақада фойдаланишга топширилган ҳамда қурилиши давом этаётган янги корхоналар фаолияти билан танишди.

Фаоллар билан учрашувда вилоят ҳокими Давлат раҳбарининг топшириқлари доирасида минтақада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ва йирик сармоявий лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берди.


Вилоят маҳаллий ва хорижий сармояларни энг кўп жалб қилган минтақалар қаторига кириб, саноат соҳасини барқарор ривожлантирмоқда. Қайта ишлаш корхоналарини кенгайтириш ҳамда экспорт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш – Давлат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири.

Ерали Тўғжанов минтақадаги сармоявий муҳитга юксак баҳо бериб, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юксак эканлигини таъкидлади.

Индустриал ҳамда махсус иқтисодий минтақалар имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этди.

Хизмат сафари доирасида Бош вазир маслаҳатчиси замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги заводларни оралаб, ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот турлари ҳамда меҳнат шароити билан танишди. Бугунги кунда вилоятда қурилиш маҳсулотлари, қайта ишлаш саноати, агро саноат мажмуаси ҳамда машинасозлик соҳаларида янги корхона

САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАК МИНТАҚА



налар ишга туширилмоқда. Ушбу корхоналар ички бозорни маҳаллий маҳсулот билан таъминлаб, минтақанинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Вилоят босқичма-босқич индустриал тараққиёт даврига қадам ташламоқда.

Минтақада “JASYL SUYQ

QAZAQSTAN” сармоявий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Корхона таъсисчиси – Болгариянинг UBC BG LLC компанияси. Ушбу компания Марказий Осиё бозорига 25 йилдан буён музлатгич савдо ускуналарини етказиб бермоқда.

Вилоятда “Саноат парклари қурилиши” лойиҳаси тизимли равишда амалга оширилмоқ-

да. У тўлиқ ишга туширилса, 6 040 киши доимий иш билан таъминланади.

Ҳозирда тайёр ишлаб чиқариш майдонларига тадбиркорлар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Қазигурт тумани ҳокими Азизхан Исмаилов раислигида ўтган навбатдаги девон йиғилишида ҳоким муовинлари, девон раҳбари, қишлоқ ҳокимлари, шунингдек, мустақил бўлимлар ва соҳага масъул муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибда туман тараққиётига оид долзарб масалалар қўриб чиқилди.

Мутасадди соҳа раҳбарлари амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда галдаги вазифаларга тўхталиб, «Бандлик харитаси», «Қишлоқ омонати» лойиҳаларининг ижроси ҳақида ахборот беришди. Йиғилиш давомида ҳар бир йўналиш атрофлича муҳокама қилиниб, долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Туман ҳокими бўлим раҳбарлари ва қишлоқ ҳокимларига устувор йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш, вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашни топширди.

Қазигурт тумани
ҳокимлигининг матбуот хизмати.



БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

2026 йилнинг 20-25 март кунлари оралиғида халқаро “Jibek Joly” сайёҳлик поезди Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистонни бирлаштириб, Марказий Осиёда ягона маданий-маърифий йўналиш яратади. Сафар доирасида сайёҳлик йўналиши илк бор Душанбе шаҳригача узайтирилди.

Буюк Ипак йўлининг тарихий шаҳарлари орқали ўтадиган ушбу йўналиш Алмати шаҳридан бошланиб, Туркистон, Самарқанд, Душанбе ва Тошкентни қамраб олади. Шу тариқа Марказий Осиёнинг тарихий ва маънавий марказлари бир-бири билан ўзаро боғланади.

Сайёҳлик йўлланмаси нархига поездда сафар қилиш, касбий сайёҳбонлар иштирокида тайёрланган саёҳат дастури, муқаддас қадамжоларга кириш чипталари, шунингдек, ташиш хизматлари киритилган.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – Наврўз байрами ҳамда муқаддас Рамазон ойининг якунланиши даврига тўғри келади. Бу пайтда иштирокчилар Марказий Осиё халқларининг байрам аънавалари, миллий урф-одатлари, мусиқаси ва қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар.

Сайёҳлик поезди “Қозоғистон темир йўли” МК” ХЖ ташаббуси билан, “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда “Қозоғистон сайёҳлик индустрияси” ташкилоти республика уюшмаси ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Сайёҳлик поездининг ишга туширилиши темирйўл сайёҳлигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги маданий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, шунингдек, минтақанинг бой тарихий меросини кенг тарғиб этишга ҳам ёрдам беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Мақтаарал

ҚИШЛОҚДА ШАНБАЛИК

Мақтаарал туманининг Дўстлик қишлоғида “Тоza Қозоғистон” тадбири доирасида тозалик куни ташкил этилди. Унда вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармасига қарашли “Ижтимоий тотувлик” ДККнинг туман бўлими ходимлари, ёшлар ва қишлоқ фуқаролари фаол иштирок этишди.

Шанбалик доирасида қишлоқ кўчалари ва жамоат жойлари тозаланиб, ахлатлар чиқарилди, кўчатлар ўтқазилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик маданиятни шакллантириш, аҳолини озодалик ва бирдамликка чорлаш эди.

Иштирокчилар қишлоқни ривожлантириш ҳамда тоза ва қулай муҳит яратиш мақсадида уюштирилган тадбирдан мамнунлигини маълум қилишди. Бу каби хайрли ташаббуслар, шубҳасиз, келгусида ҳам давом этади ва аҳолининг атроф-муҳитга нисбатан масулиятини оширишга ёрдам беради.

Туман ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯНВАРЬ ОЙИДА КАРАМ ЭКИЛДИ



Мақтаарал туманининг миришкор деҳқонлари январь ойидаги ёғингарчиликларга қарамай, 25 гектар майдонга карам қўчатини экишди. Бу йил жами 1200 гектар майдонда карам етиштириш режаланган.

Эртапишар карам навини экиш мавсумида ҳозирча 10дан зиёд бригада иштирок этиб, ишлар қизгин давом этмоқда. Дала ишларини барвақт бошлаб берган ҳўжаликлардан бири – бу «Елман» деҳқон ҳўжалигидир.

Елман Алиев раҳбарлигидаги ҳўжалик ўз тасарруфидаги 3,2 гектар ернинг барчасига карам экмoқда. 50 кишилик жамоа январь ойининг ҳар кунидан унумли фойдаланиб, ёмғир-қор демай, тинмай меҳнат қилмоқда.

– Ишчиларга қунига 6 минг тенгедан тўлаймиз. 2 ой ичида эккан экинимиз пишиб етилади. Экилган кўчатлар устига плёнка ёпиб, ёғингарчилик ва совуқдан ҳимоя қиламиз. Асосийси, кўчатни эҳтиётлаб парвариш қилиш керак. Эрта экишнинг афзаллиги – маҳсулотни бозорга биринчилардан бўлиб олиб чиқиш имконияти. Ўтган йили карамнинг баҳоси барқарор бўлди, бу йил ҳам шу нархда сотишга умид қиламиз, – деди Е. Алиев.

Мақтаараллик деҳқонлар асосан вазни 1-1,5 килога яқин бўлган карамнинг ринда, пекин, пандион навларини экишмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» Рақамлаштириш ва сунъий идрок йили

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Түркістан” газетасига берган мусоҳабасида келгуси йилларнинг истиқболлари, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ҳақида фикр юритиб, жамиятда юз бераётган муҳим муаммоларга ҳам эътибор қаратди. Шулардан бири йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиб бораётгани мени ҳам хавотирга солади.

Бугунги кунда йўлларда юз бераётган бахтсиз ҳодисаларга сабаб кўп. Президент улардан бири сифатида автомашиналар сонининг ҳаддан ташқари ортиб бораётганига тўхталди. Масалан, мамлакатимизда транспорт сони ўтган йили 300 мингга, сўнгги беш йилда 1,7 миллионга кўпайган. Бундан ташқари, давлат ҳудудидан 3 миллиондан зиёд транзит-транспорт ўтади. Буларнинг барчаси йўл-транспорт воқеаларига таъсир кўрсатиши аниқ.

Бироқ, кўп жиҳатлар ҳайдовчиларнинг масъулиятига боғлиқ. Президент таъкидлаганидек, ҳайдовчи йўл қоидаcига лоқайдлик билан ёндашса, амалдаги чораларнинг бирортаси натижа бермайди.

“Аслида, даҳшатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчиларнинг оддий, аммо жуда муҳим талабларга риоя қилмаслиги сабабли содир бўлади. Аксарият ҳолларда



ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик ёки билган ҳолда уларни инкор этиш оқибатида юзага келмоқда. Ҳар бир шахс полиция ходимларининг қўлига тушиб қолишдан қўрққани учун эмас, балки ўзининг ва бошқаларнинг хавфсизлигини ўйлаб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши лозим”, деган Давлат раҳбарининг бу фикрини қўллаб-қувватламай иложимиз йўқ.

Албатта, Президент муаммони ҳал қилишнинг бир йўли сифатида янги технологиялар, шу жумладан, сунъий идрокни кенг татбиқ этишни таклиф қилди. Менимча, бу жуда ўринли ташаббус. Агар ушбу соҳага рақамлаштириш тизимини самарали жорий этсак, кўп ўтмай натижасини беришига ишончимиз комил.

Бегимбет БАЙҒАРАЕВ,
вилоят маслаҳати депутати.

»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга!

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЯНГИЛАНИШ ДАВРИГА ҚАДАМ

Конституциявий ислохотлар муҳокамаси Давлат раҳбари иштирокида ўтган Миллий қурултойнинг асосий масалаларидан бири бўлди.

Биринчиси, Парламент тизимига киритиладиган ўзгаришлар. Келажакда у 145 нафар депутат ва 8та қўмитадан иборат бўлади. Ҳозирги Мажлисда 7та, Сенатда 6та қўмита бўлса, келажакда яхлит ва ихчам янги тизим шаклланади. Бу Парламент фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қадам.

Иккинчи масала – Президент ўринбосари институтини жорий этиш. Бу ташаббус ҳокимлик фаолиятида изчиллик ва барқарорликни таъминлайди. Президент ўринбосари Давлат раҳбарининг ваколатини амалга оширишда қўшимча таянч бўлиб, бошқарув жараёнидаги муҳим масалаларни мувофиқлаштиради. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, янги лавозимнинг асосий устуворлигидан бири – халқаро анжуманлар ва ташқи сиёсат. Шу нуқтаи назардан, Президент ўринбосари институти президентлик хо-



кимиятини қўллаб-қувватловчи самарали дастак бўлади.

Учинчи масала – Миллий қурултой ва Қозоғистон халқи Ассамблеяси ҳақида. Бу ташкилотлар ўз вазифаларини шараф билан адо этиб келмоқда. Келажакда улар ўрнига «Қозоғистон халқ кенгаши» номли янги олий маслаҳат идораси ташкил этилади. Бу тузилма мамлакатимиздаги бирлик, барқарорлик ва жамоат тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида улкан аҳамият касб этади.

Нодирхон ИМОМСИДИҚОВ,
107-сонли Ю. Сарёмий
номли лицей-мактаб
директори.

“ҚОНУН ВА ТАРТИБОТ” ИҚТИСОДИЙ ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ПОЙДЕВОРИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Turkistan” газетасига берган мусоҳабасида жамиятимиз ҳаётидаги долзарб масалалар яна бир бор очиқ ва равшан равишда кўтарилди. Унда илгари сурилган фикрлар ва ташаббуслар кенг жамоатчилик учун чуқур мулоҳаза юритиш ва ҳулоса чиқаришни талаб этади. Қуйида мазкур мусоҳаба юзасидан айрим мулоҳазаларимни фуқаролик нуқтаи назаридан баён этмоқчиман.

Президент мусоҳабасида Парламент ислохотларига ҳам тўхталди. Демак, депутатлар хизматига қўйиладиган талаблар ва Парламентнинг ваколатлари қайта кўриб чиқилади.

Суҳбатда “Қонун ва тартибот” тамойили ички сиёсатнинг асоси сифатида тилга олинди. Ҳар қандай жамият фақат барчага тенг қоидалар ва имкониятлар мавжуд бўлгандагина самарали ишлайди.

2026 йил – “Рақамлаштириш ва сунъий идрок йили”, деб эълон қилинди. Бу давлат бошқа-



руви тизимига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Яъни, давлат бошқаруви самарадорлигининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.

Сунъий идрок ва рақамли ечимлар энг яхши амалиётлар ва тажрибаларни тезроқ ўзлаштириш ва кенг қўламда амалга ошириш имконини беради. Бу институционал камчиликларни камайтиради.

Салоҳиддин ҚАМБАРОВ,
24-сонли Жомий номли
мактаб ўқитувчиси.
Жетисай тумани.

»» Туркистон – Туркий оламнинг маънавий пойтахти

Ўлжас Сулейменов – Қозоғистон халқ ёзувчиси, таниқли сиёсий ар-боб ва туркий олам тарихи ҳамда бугунги ҳаётини ёритаётган етакчи тадқиқотчилардан.

У 1936 йилда Алмати шаҳрида туғилган. Ўлжас Сулейменов кенг жамоатчиликка асосан рус тилида ижод қилувчи адиб сифатида танилган. Адабий фаолиятини 1955 йилда бошлаган. Иттифоқ даврида у публицист сифатида ҳам катта эътибор қозонган.

Унинг “Аз и Я” китоби СССР мафкура раҳбарларининг танқидига сабаб бўлган. Асарда туркий сўз ва ибораларнинг рус тили ҳамда Россия тарихи шаклланишидаги таъсири ҳақида сўз юритилган. Айрим рус зиёлилари муаллифни “пантуркизм” ва “миллатчилик”да айблаган. Шўро замонида бундай айбловлар жуда оғир ҳисобланган.

1976 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий қўмитаси махсус қарор чиқариб, китобни савдодан олиб ташлашни ва уни нашр этган муҳаррирни жазога тортишни буюрган. Шунингдек, Сулейменов асарларини чоп этиш ҳам тақиқланган.

Бироқ Қозоғистон Комфирқаси биринчи котиби Динмухаммед Қўнаевнинг Леонид Брежневга йўллаган мактубидан сўнг, ёзувчига яна ижод қилишга рухсат берилган.

1989 йилда Ўлжас Сулейменов СССР халқ депутати этиб сайланган. Шу йили у Қозоғистон ҳудудида ядровий синовларни тўхтатиш мақсадида “Невада – Семипалатинск” ядро синовларига қарши ҳаракатни ташкил этган.

Ушбу ҳаракат таъсирида 1991 йилда Семипалатинск ядровий полигони ёпилган ва Қозоғистон ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилинган.

Бугунги кунда Ўлжас Сулейменов Қозоғистоннинг ЮНЕСКОдаги элчиси сифатида фаолият юритмоқда. У туркий сўзлар келиб чиқиши бўйича тадқиқотларини давом эттириб, ҳалихануз илмий фаолиятини тўхтатмаганини таъкидлайди.

– “Ер, инсонга таъзим қил” шеъринингизнинг ёзилиш тарихи ҳам қизиқ. У шеър чоп этилган варақаларнинг самолётдан сочилган пайтини эслайсизми?

– Албатта. 1961 йил 12 апрель куни инсоният тарихида илк бор фазогир коинотга парвоз қилди. Юрий Гагарин Қозоғистондаги Байқўнғир космодромидан фазога отланди. Мен бу ҳақда парвоздан бир кун олдин воқиф бўлганман.

Ўша пайтда мен “Казахстанская правда” газетасида ишлардим. Бош муҳаррир менга бу янгиллиكنи айтди ва шу воқеага бағишлаб шеър ёзишни топширди. Мен вазифани бажардим.

Кечаси шеър босмахонага жўнатилди, эрталаб эса у ТАСС агентлигининг Гагарин парвози ҳақидаги хабарлари билан бирга газетада чоп этилди. Ўша куни бутун Алмати аҳолиси шаҳар кўчаларга чиққан эди – ажойиб, қуёшли апрель куни бўлган.

Осмондан рангли варақалар ёғила бошлади. Улар менинг шеърим эди. У унчалик илҳом билан ёзилмаган бўлсада, айнан шу битик кейинчалик “Ер, инсонга таъзим қил” достонимни яратилишига туртки бўлди.

Мен бу воқеадан шу қадар қаттиқ ҳаяжонланган эдимки, бир ҳафта давомида тинимсиз ишлаб, достонни ёзиб тугатдим. Орадан бир ҳафта ўтиб, у алоҳида китоб сифатида нашр этилди.

Кейинчалик дoston Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениесиди ўқилди. Май ойида мен уни АҚШдаги Колумбия университетида ўқидим, июль

Ўлжас Сулейменов: БҮЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН



ойида эса Парижда, Сорбонна залида ҳам кўпчилик эътиборига ҳавола қилдим.

Бугунги ёшлар Гагаринни деярли танимайди. Ўша пайтда эса у бутун дунё инсоният тарихида янги саҳифа очган қаҳрамон эди.

Достоним ўша даврни ёдга солиб турганидан мамнунман.

– Сизнинг 1972 йилда Қозоғистон Ёзувчилар иттифоқи пленумидаги маърузангизни зўр қизиқиш билан ўқиганмиз. Агар бу нутқни ҳозирги замон талабларига мослаштириш мумкин бўлса, нимани ўзгартирар эдингиз? Шунингдек, ҳозирги ижтимоий фожияларнинг ечимлари, замонавий сиёсат ва тарихнинг ўзаро боғлиқлиги нуктаи назаридан фикрингиз қандай?

– Бу жуда мураккаб савол. Мен унинг айрим жиҳатларини ажратиб олиб, жавоб беришга ҳаракат қиламан. Тарих соҳасида кўплаб янги тарихчиларнинг талқинларида ҳали ҳам қадимги этноцентризмнинг ун-

илмий соҳага катта зарар етказди. Дунёда етти минг этнос яшайди. Агар биз етти минг алоҳида тарихни ёзсак, охирида бутунлай адашиб қоламиз ва илмнинг биздан талаб қилаётган ҳақиқатига ета олмаймиз.

– Ўтган йили Қозоқ хонлигининг 560 йиллиги кенг нишонланди. Хонлик тарихи бугунги авлод учун қандай аҳамиятга эга?

– Қозоқ хонлиги тарихи чуқур ўтмишга бориб тақалади. Унда кўплаб халқларнинг маданияти, уларнинг тақдири, қаҳрамонлик ва баъзан фожияли ўтмиши акс этган. Ушбу тарих бизга ўтмишни эслаб, келажакни тўғри қуриш, авлодларимизга тарихий ҳақиқатни етказиш учун кўзгу бўлиб хизмат қилади. Биз олдимизга шундай савол қўямиз: буюк аجدодларимизнинг заковати ва меросини тўла англадикми? Уларнинг руҳи ва қаҳрамонлик моҳиятини келгуси авлодларга еткази оламизми?

Қозоқ хонлиги Дашти Қипчоқ, Туркистон ва Жетису ҳудудларини бир-



барча халқлар тенглик ва дўстликда яшайди, бир-бирини қўллаб-қувватлайди, стратегик режаларни амалга оширади. Ҳозир эса барча қозоғистонликлар учун тарихий кун – Қозоқ хонлигининг 560 йиллиги муносабати билан турли байрам тадбирлари ўтказилади. Бу – авлодларимиз олдидаги эҳтиром ва ғурур, туркий олам тамаддунининг буюк меросини бутун дунёга намойён қилиш имкониятидир.

– Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирлашиши мумкинми?

– Албатта, мумкин. Бу – давр талаби. Интеграция зарур. Дунёвийлашув барча маданиятлар ўртасида чегараларни йўқ қилади дегани эмас. Мен буни турфаликни бирлаштириш ва кучайтириш деб тушунаман. Марказий Осиё Иттифоқи доирасида бу хилма-хиллик жуда самарали ва фойдали бўлиши мумкин.

– Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни қандай? Россия ва Хитой каби катта давлатлар билан муносабат қандай бўлиши керак?

– Марказий Осиё ва Қозоғистон учун ириқ давлатлар билан турли

геосиёсий вариантлар бор. Лекин энг асосийси – ўзимизда улар билан муносабат учун ўз режамиз бўлиши керак. Бу энг муҳим масала, деб ҳисоблайман.

– “Аз и Я” китобини ёзишдан мақсадингиз нима эди?

– Туркий тилли халқлар қозоқлар, ўзбеклар, қирғизлар ва яна қарийб қирқта халқнинг ўтмишини билиш истаги эди. Шу хоҳиш мени “Аз и Я”ни ёзишга ундади.

– Сўнгги мусохабаларингизда сиз туркий ва рус тилидаги сўзларининг пайдо бўлиши юзасидан тадқиқотлар олиб бораётганингиз ҳақида ҳам айтдингиз. Бу ҳақда батафсил айтиб берсангиз?

– Фикримча, тилшуносликда, аниқса туркшунослик ва славистикада янги йўналиш – туркославистика пайдо бўлиши ва мустақил фан бўлиши керак. Шунда биз, туркийлар ва славянлар ўртасида сўз ва грамматика алмашинуви қанчалик кенг бўлганини тўлиқ англай оламиз. Шунда

маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар тарихи ҳақида билиб оламиз. Ҳозирча тил алмашинувининг сирлари очилмаган, тарихий ҳақиқатни тиклаш қийин. Археология, генетика, полиграфия бизга жуда оз маълумот беради. Фақат тилшунослик тўлиқ билимга олиб келиши мумкин. Янги йўналиш – туркославистика бизга шундай маълумотлар бера олади. Кўпроқ одамлар бу ёндашувнинг зарурлигини тушунапти. Академик тадқиқотлардан одамлар чарчаган: минглаб йиллик икки буюк этнос алоқалари рус тилида фақат бир неча туркий сўзлар кўринишида акс этган – масалан, “урюк”, “кумыс” ёки “аркан”. Туркославистика бу рўйхатни кенгйтириши мумкин.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур!

А. АБУДҲАТТОҲ.

Тасвирларда: “Аз и Я” китобининг 50 йиллигига бағишланган тадбирда; “Аз и Я” китобининг ўзбек тилига таржимасининг Тошкент шаҳрида ўтган тақдимот маросимида; туркшунос олимнинг машҳур китоблари.

“ЁШЛАР ИМКОНИЯТ МАРКАЗИ”ДА ЯНГИ РАҲБАР

Тўлебий туман “Ёшлар имконият маркази” раҳбари лавозимига Қайсар Ақилбеков тайинланди.

Янги раҳбарни муассаса жамоасига туман ҳокими ўринбосари Бағдатбек Жанғазиев таништирди. Учрашув давомида ёшлар сиёсати самарали амалга оширилиши, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамоатчилик фаолиятини амалга ошириш йўналишидаги ишларнинг аҳамияти таъкидланди.

Қайсар Жайсанбекули Ақилбеков 1989 йил 21 июнда туғилган. Олий маълумоти. Халқлар дўстлиги Қозоғистон муҳандислик-педагогика университетини тамомлаган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Тайинланишдан аввал туман ҳокими девонида давлат-ҳуқуқ ва терроризмга қарши кураш бўлимида бош нозир лавозимиди фаолият юритган. Шунингдек, туман ҳокими девонининг ҳуқуқий бўлимида турли йилларда бош нозир ва бош мутахассис лавозимларида ишлаган.



“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



Тўлебий туманида “Янги Қозоғистон – биз” мавзuida ватанпарварлар фестивали ўтди. Унда мактаб ўқувчилари, ёшлар марказлари ва бирлашмалари тавсия этган бадий ҳаваскорлар, хунармандчилик билан шуғулланётган ёшлар, қаламқашлар ва рассомлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиқан туман ҳокими ўринбосари Б. Жанғазиев давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар-

“ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН – БИЗ”

ни келажакимизнинг муносиб ворислари сифатида вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Учрашув давомида Тўлебий тумани бўйича чегара бошқармаси зобити, майор Ш. Аринов маъруза қилиб, ўқувчиларни академияга ўқишга киришга таклиф қилди ҳамда ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва келажак ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, ватан-

парварлик руҳидаги видеолар халар намойиш этилди ва ҳарбий хизмат ҳақидаги ахборот тарқатилди.

Туман “Ёшлар имконият маркази” раҳбари Қ. Ақилбеков Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мактубида белги-ланган вазифалар ва ёшлар тарбияси масаласига тўхталди.

– Тезкор ўзгаришлар давридаги энг мураккаб муаммо бу – ғоявий ва мафқуравий таҳдидлар. Лекин кимда она

Ватанни севиш туйғуси кучли ва имон-этикоди мустаҳкам бўлса, ўзининг ўтмишини ҳурматлаб, яхши билса, “оммавий маданият” тузюгига тушиб қолмайди, – деди у.

Иштирокчилар Кемеқалған қишлоғидаги “Ақбура”, “Мейрам ана” номли муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, уларнинг тарихи билан яқиндан танишдилар.

О. ШЕРҒОЗИЕВ.

»» Обуначиларимиз орасида

ТУРКИСТОНЛИК ФАХРИЙ ШИФОКОР – УСТОЗ



ЭЛГА ХИЗМАТИ БИЛАН ТАНИЛГАН ЖАРРОҲ-УРОЛОГ АМИНЖОН ОТАХОН ЎҒЛИ ХОЛТОВЕВ 70 ЁШДА

Саломатлик – биринчи бойлик. Вилоят марказида эл саломатлиги учун ҳаёти, билими, тажрибасини бахшида этаётган фахрий шифокор, фаол обуначимиз Аминжон Холтоев 1956 йили 23 январда Туркистонда Отахон ота ва қахрамон она Ирисжон ая хонадониди дунёга келди. Ҳакимжон, Маъруфжон, Муқаддас, Сарвинсо исмли ака-опалари, Раҳимжон, Ҳакимжон, Маҳмуджон исмли укалари билан улкан оилада бирга камол топди.

108 ёшдаги кўхна ўқув даргоҳи – Ҳамза номли мактабда “Жанубий Қозоғистон” газетасининг эътиқодли муштарийлари Баҳром Абдусатторов, Ҳасан Нишонов, Каримжон Назиров, Матлуба Алишева, Маҳмуджон Ёқубов, Аяжон Нуриддинова каби турли касбни мукаммал эгаллаган синфдошлари билан илк устози Ўғилой Алиева кўлида таълим олди. Мактабдан сўнг меҳнат фаолиятини ишчан директор Б. Батиршаева раҳбарлигидаги шаҳар темир-бетон буюмлари корхонасида ишчи бўлиб бошлади. Ҳаётни ўрганди. Корхонада ишлаш баробарида бўш вақтини зое ўтказмай, олий ўқув юртига, ўзи танлаган шифокорлик ихтисоси бўйича институтга ўқишга кириш учун тинимсиз тайёрланди. Бу касбни танлашида вилоятимизнинг тажрибали кўз жарроҳи, машҳур шифокор Ақром Муслимовнинг ўғит-насиҳатларига қатъий амал қилди. 1974 йили меҳнат, интилиш, тинимсиз ўрганиш фазилати сабаб омад кулиб боқиб, Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи талабаси бўлди. Кириш ва ўқиш осон кечмайдиган ушбу нуфузли олийгоҳда тибб илмининг даргалари, хусусан, Марказий Осиёда жарроҳилик маҳорати билан танилган (Саврон тумани Бершентўбе қишлоғидан) академик Восит Воҳидов кўлида таълим олди. Устозининг “Йиқилган болага ҳадеб кўмак бермасдан, ўзи мустақил туриб ҳаракатланишига ўргатиш фойдали”, деган ҳаё-

шираларга сабоқ берди. Соғлиқни сақлашдек масъулияти мўл соҳада беморларга хушмуомала ила маданиятли муносабатда бўлиш муҳимлигини шоғирдларига кўп таъкидлайди. Қон куйиш станциясида бир йил раҳбар бўлиб ишлади. Туркистон тиббиёт бирлашмаси раҳбари Баҳодир Ҳабибуллаев етакчилигида жарроҳ Олмос Йўлдошев каби ҳамкасблари билан бирга эл саломатлиги йўлида тер тўдди.

Оила муқаддас қўргон. Умр йўлдоши, ўрта мактабни олтин медал билан битиргач, Тошкент политехника институтини озиқ-овқат саноати назорати муҳандиси ихтисоси бўйича тавомлаган, Туркистондаги йирик корхоналарда самарали меҳнат



си ва маҳоратини вилоят маркази аҳли саломатлиги учун сафарбар этаётган мақоламиз қахрамони ўтган йили ҳамкасиби Шухрат Юсупов билан бирга улкан ҳаж сафарини адо этиш шарафига муяссар бўлди.

Айни пайтда мақоламиз қахрамони Ғани Мирзабеков раҳ-

қувончи ва самимий ҳурматида деб билади.

Сухбатдошимиз Аминжон Отахон ўғли кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда саломатлиқни сақлаш хусусида тавсияларини баён этди.

– Тезкор давримизда сифатли ва тўғри овқатланиш, таркиби сунъий озиқ-овқат, кони зарар энергетик ичимликлардан воз кечиш, кўпроқ мева, сабзавот маҳсулотлари билан озиқланиш, жисмоний ҳаракат, соғлом турмуш тарзига амал қилиш мустақам саломатлик гаровидир, – деди у.

Аминжон Отахон ўғли хонадониди унинг қадрли ҳамкасблари, 15 нуска “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига ҳоимийлик қилиб, падари Бузруквори, жамоат арбоби Собиржон Юсупов аъна-насини давом эттираётган кулоқ, томоқ, бурун шифокори Шухрат Собиржон ўғли, профессор, тиббиёт фанлари доктори Иброҳим Оға ўғли, психиатр шифокор Муҳаммадмин Бекпўлат ўғли, тери хасталиқлари шифокори Иброҳим Мамматраим ўғли, шифокор терапевт Отабек Фахриддин ўғли билан ҳамсухбат бўлиб, уларнинг Аминжон Отахон ўғлига ҳур-мат билан баён этган самимий тилаклари шоҳиди бўлдим.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: шаҳар ҳо-кимии А. Пазилбекули ва ҳарбий комиссариат раҳбари Д. Нуржанов ила суҳбат чоғида; Аминжон Отахон ўғли; оила даврасида; элга таниқли ҳам-касблар қилан; мактабда бирга ўқиган қадрдон синфдошлар даврасида.

Муаллиф суратга олган.



барлик қилаётган шаҳар марказий шифохонасида, А. Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетиди профессор Қидирали Каримбаев раҳбарлик қилаётган жарроҳилик кафедрасида ҳамда полковник Дилмурат Нуржанов бошчилик қилаётган Туркистон шаҳри – Саврон тумани бирлашган ҳарбий комиссариати тиббиёт комиссиясининг тажрибали фахрий аъзоси сифатида элга хизмати билан танилмоқда. Кўп йиллик меҳнатлари шаҳар, вилоят, республика миқёсида нуфузли мукофотлар билан тақдирланган. Энг асосий мукофотни ўзи даволаган, саломатлиги тикланган беморларнинг



тий маслаҳатлари хотирасида муҳрланиб қолди.

1981 йили қадрдон Туркистон шаҳрида олий маълумотли шифокор мутахассис, жарроҳ-уролог сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Шифокорлиқни устозлик билан бирга муштарак юртишга эришди. Таниқли жарроҳ Раззоқ Яхёев асос солган ва ўзи директор бўлган тиббиёт билим юртида жарроҳи кабинети мудири сифатида бўлажак ҳам-

қилиб, нафақага чиққан меҳнат фахрийси Гулнора Азим қизи билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Даврон, Элдор, Шохрух исмли соғлиқни сақлаш ва тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялаб, ширин-шакар неваралар кўришган. Тўнғич ўғли ота изидан бориб, айни пайтда Тошкент шаҳрида шифокор, жарроҳ-уролог бўлиб ишламоқда.

Кўп йиллик ҳаётий тажриба-

P.S. Оила-аъзолари, шифокор опаси Сарвинсо Отахон қизи, поччаси Абдумуталиб Восит ўғли, қадрдон синфдош дўстлари, Ҳамза номли мактаб жамоаси, халқаро мукофотлар соҳиби Қахрамон Ирисбеков, Фаррух Қахрамон ўғли раҳбарлик қилаётган “Туркистон насос” корхонаси, ХҚТУ тиббиёт куллийети, шаҳар шифохонаси, ҳарбий комиссариат жамоалари ҳамда саломатлигини тиклаган собиқ беморлар Аминжон Отахон ўғлини 70 йиллик юбилей шодиёнаси ила муборакбод этиб, мустақам саломатлик, умр йўлдоши Гулнора Азим қизи билан неваре, эвара, чеваралар камолини кўриб, тўйларида бош бўлиш саодатини тилайди. Тахририят ҳам эътиқодли муштарийсига йўлланган самимий ниятлар ижобатига тилакдош.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БҲРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҲЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОВЕВА. +7702-841-78-82.
Кентош, Сўзоқ – Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳоқимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, КЗ34VР00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-online” МҲБ босямаҳонасида чоп этилган. Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 654466.

Бўғим
208.

Адади – 10500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.



Ушхўдайт

Олам аҳлида чу йўқ ёрки,
меҳр ўлгай иши,
Сен қиёс айлаки,
не бўлғуси ағёрға иш.
(Одамлар орасида меҳру вафони
шиор қилиб олган дўст йўқ, душмanning
ишини шундан қиёс қилиб билавер).
Алишер НАВОИЙ.

РУМИЙ ҲИКМАТЛАРИ



- Сен чечак бўлиб атрофга муяттар ифорлар сочишга сўз бер. Шунда тупроқ бўлиб сени бошида олиб юрадиганларни кўрасан.
- Ким билан юрганингизга, ким билан дўст бўлаётганингизга аҳамият беринг. Чунки булбул гулга, қарға гўнга қўнади.
- Банданинг Аллоҳдан ҚҲРҚҲВИ ҳамда УМИДИ унинг икки муборак қанотидир. Бу икки қанотдан бирортасига шикаст етса, парвоз ва юқалиш бўлмайди.
- Муҳаббат ва марҳамат инсонларнинг, ғазаб ва шаҳват ҳайвонларнинг сифатларидир.
- Эй мусулмон, “Одоб не?” деб сўрайсан. Билки, ҳар бир одобсизнинг одобсизлигига сабр қилишдир.

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАҚОЛЛАРИ

- Қора меҳнат – оқ нон.
- Кулфат отда келиб, ҳўкизда кетар.
- Иш тақсимлашга етганда – ака уқани танимайди.
- Пул учун шайтон ҳам рақс тушар.
- Начора, олма бўлмаса, сабзи ея қоламиз.
- Камбағалнинг боласи, бойнинг сигири кўп.

Латиш мақоллари.

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.


АЗ-ЗАМАХШАРИЙ.



Кун ҳикмати

“Бирон-бир соҳадан чала-чулла тасаввурга эга бўлгани ҳолда ўзини шу соҳанинг комил билимдони каби чоғлаган одамни овруполиқлар “дилетант” деб атайди. Биз бунақаларни “чаламулла” деймиз. Унинг фаолияти ақсарият ҳаёасмандлик ёки пахтабанд даъвогарликлар асосига қурилган бўлади”.

Эркин АЪЗАМ, ёзувчи.



Мукаммал севгини фақат ёзиш-малардагина учратиш мумкин. Бошқа ҳолларда дилхираликлардан ҳоли ўтган бирор муҳаббат тарихини кўрган эмасман.

Оскар УАЙЛЬД.

Тонгги ҳикматлар

Тоққа суянма, ўзинг тоғ бўл.
Чунки суянганинг қуласа, сен ҳам қулайсан.

Тоҳир МАЛИК.



»» Табобат

ҚОРА ЧОЙ ИЧИБ ТУРИНГ



- Тетиклаштиради! Эрталабдан кўлингиз ишга бормаса ёки кайфиятингиз панд берса, бир пиёла қора чой ичинг. Олимлар фикрича, аччиқ дамланган қора чой организмни тетиклаштириб, ақлий фаоллиқни оширади.
- Чойдаги ошловчи моддалар даволовчи таъсирга эга. Шундан бўлса керак, ошқозондаги оғирлиқни бартараф этиб, ҳазм фаолиятини яхшилайди. Қолаверса, организмда моддалар алмашинувини ҳам фаоллаштиради.

ТАНАМИЗ СУВДАН ИБОРАТМИ?



Эрта тонгда 1 пиёла сув ичишни унутманг!
Ибн Сино айтганидек, қарилки – бу қуруқлик!

- Қон - 85 фоиз
- мушаклар - 75 фоиз
- мия - 85 фоиз
- юрак - 75 фоиз

- ўпка - 86 фоиз
- буйраклар - 83 фоиз
- кўзлар - 95 фоиз
- суяклар - 24 фоиз сувдан иборатлигини биласизми?